
ОГОХЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

“Аждодлар хотираси муқаддас”



“Диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай тинч, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукrona келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак”.

Ислом Каримов

Экстремизм (лотинча – «ақл бовар қилмас даражада», «хаддан ошиш») жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган, кескин радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Бундай ҳаракатларга диний тус бериш диний экстремизмга олиб келади.

Диний экстремизм - жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.



Ақидапаастлик (ақида – арабча – «ишонч», «бирор нарсани иккинчисига боғлаш») муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш ва уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади.

Мутаассиблик (фанатизм – французча-«ибодат») муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилиш, «ўзгалар» ва «ўзгача» қараш ва ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирмә ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмаслиқда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлган.



Терроризм – (лотинча – «қўрқитиш», «ваҳимага солиш») – аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотиш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадига қаратилган жиноий фаолиятдир.

Халқаро терроризм тушунчаси давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни беқарорлаштиришга қаратилган сиёсий қўпорувчилик фаолиятини ифодалайди. У энг оғир жиноят бўлиб, узоқ давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

ИСЛОМ НИҚОБИДАГИ ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ҒОЯВИЙ ИЛДИЗЛАРИ:

«ХОРИЖИЙЛАР»

«АЗРАҚИЙЛАР»


«ҚАРМАТИЙЛАР»

«ҲАШШОШИЙЛАР»

«САЛАФИЙЛАР»

«ЗАМОНАВИЙ
КҮРИНИШДАГИ
ОҚИМЛАР»





Ислом ниқобидаги экстремистик оқимларнинг ғоявий илдизлари

«Хорижийлар»
ўз амалларига
кўшилмаганлар-
ни кофирга
чиқариш, уларга
карши “жиход”
олиб бориш каби
ғояларини
ишлаб чиқсан
элипар

«Азрақийлар»
оқими уларнинг
ғояларига эргаш-
маган мусулмон-
ларга қарши
“жиход” эълон
қилиш, кишиларни
оммавий қатл
этиш
даражасигача
борганлар.

«Қарматийлар»
ҳаракати ислом
қонун-
қоидаларига
итоат этмаслик,
Ҳаж амалини
бидъат,
бутпарастлик деб
ҳисоблашлари
билан ажралиб
турганлар.


«Ҳашошийлар»
ҳокимият тизгинини
қўлга олиш
мақсадида ўзини
қурбон қилувчи
манқуртлар –
“фидоийлар”дан
фойдаланган ҳолда
200 йил давомида
мусулмон оламини
ларзага солиб
келган.

«САЛАФИЙЛИК»

Исломда «салаф» (арабча – «аждодлар», «аввал яшаб ўтганлар») деганда, ҳадисларга кўра, Пайғамбар Мұҳаммад (с.а.в.) замонида ҳамда ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонлар тушунилади. Шунга кўра, ислом уламолари илк мусулмонларни «салаф солих», яъни «солих аждодлар» деб ҳисоблашда яқдилдирлар. Улардан кейинги давларда яшаган мусулмонларга нисбатан «салаф» ёки «салафий»лар тушунчаларини ишлатиш мумкин эмас.

Бирок, сўнгги йилларда «салаф солиҳларга эргашиш» шиорини ниқоб қилиб олган ва мусулмон жамиятларини илк ислом даври ҳолатига қайтаришни тарғиб қилувчи мутаассиб, *сохта салафийлар* пайдо бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.





Ҳозирда сохта салафийлик ғоялари остида асосан Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Кавказ ва Марказий Осиёning айрим ҳудудларида фаолият олиб борадиган ҳаракатлар жамиятдаги эътиқодий бирлик, барқарорлик ва тараққиёт учун реал таҳдидга айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.



**Диний-экстремистик оқимларнинг
бажарадиган функцияларига кўра
3 гурухга бўлиш мумкин:**

Биринчи гурухга кирувчи ташкилотларнинг асосий “вазифа”си бу одамларни гўёки “исломлаштириш”, “тақвога чақириш”дан иборат.

Иккинчи гурух ташкилотлар эса “исломийлаштирилган” аҳолига энди мутаассиблик ғояларини сингдириш билан шуғулланади.

Учинчи гурух ҳаракатлар эса юқоридаги ташкилотлар томонидан тайёрланган кишиларни “жиҳод”ни амалга оширишга тайёрлаш билан шуғулланади.

Биринчи гурух қаторига “Таблиғчилар жамоаси”, иккинчи гурухга “Нурчилик”, “Ҳизбут-тахрир” каби диний-экстремистик ҳаракатлар ва учинчи гурухга барча террорчи ташкилотларни киритиш мумкин.




Интернет – ғоявий кураш ва тарғиботнинг асосий майдонига айланмоқда



Сўнгги йилларда мутаассиб оқимлар ёшлар ичидаги фаолиятини меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, “хужралар” ташкил этиш, диний экстремистик мазмундаги материалларни босма, электрон кўринишда тарқатиш, “Интернет” орқали тарғибот ўтказиш каби усувларда амалга ошироқда. Маълумотларга қараганда, интернет тармоғида тахминан 6 мингдан ортиқ диний экстремистик мазмунга эга бўлган сайtlар мавжуд.

Интернетнинг террористлар учун қурай жиҳатлари:

1. Интернетга киришнинг осонлиги.
2. Фойдаланувчилар сонининг кўплиги.
3. Алоқанинг анонимлиги.
4. Ахборотлар қисқа муддатда кенг маконда тез тарқалиши.



Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоя рухи билан йўғирилган тарбия тизими яратилди. Уни доимий такомиллаштириб бориш ва давр даъватларига ҳозиржавоблигини таъминлаш эса, ҳар биримиз ва барчамизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Шундай экан, вояга етажган ҳар бир фарзандимизни кучли мафкуравий иммунитет ва юксак маънавиятга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашимизнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТҮҒРИСИДА

- 13 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Туркманистон Президенти Гурбангули
Бердимухамедов билан телефон орқали
мулоқоти бўлиб ўтди.

- Суҳбатда давлат раҳбарлари кенг кўламли икки томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва уни олий даражада эришилган келишувлар доирасида ривожлантириш истиқболларини мухокама қилдилар.
- Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари икки томонлама дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун ишончли пойdevor бўлиб хизмат қилаётгани катта мамнунийт билан қайд этилди.



ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР ОДАМЛАР ТУРМУШ ДАРАЖАСИННИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 15 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.
- Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифлари чоғида ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаб берган эди. Ўтган даврда ҳудудда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари муваффакиятли амалга оширилмоқда.



Президентимиз Мўйноқ туманига ташриф буюрди. Кейинги йилларда ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича бажарилган манзилли чора-тадбирлар натижасида одамлар турмуш даражаси сезиларли ошди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 февралдаги «2017-2018 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчилаб суғориш ускуналари, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди. 2019 йилда Мўйноқ туманида яна кўплаб – саноат соҳасида 12 та, қишлоқ хўжалигига 5 та, хизмат кўрсатиш бўйича 14 та лойиха амалга оширилиши режалаштирилган. Ижтимоий соҳа обьектлари қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳалар билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил январь ва декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Қанлиқўл туманида йирик тўқимачилик корхонаси ташкил этиш лойиҳаси тақдим этилган эди. Ўтган вакт мобайнида корхона учун 10 гектар ер ажратилиб, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Корхонани барпо этиш енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тажрибали бўлган «Kanteks invest» МЧЖ томонидан амалга оширилди. Натижада яйдоқ ерда замонавий тўқимачилик фабрикаси қад ростлади.

Айни пайтда корхонага Германия, Швейцария, Туркия ва Хинdistондан сўнгги русумдаги тўқимачилик дастгоҳлари келтирилиб ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.


Лойиҳа қиймати 38,7 миллион АҚШ доллари бўлган корхонани келаси йил биринчи чорагида ишга тушириш мўлжалланган. Бу ерда дастлабки босқичда йилига 11 минг тонна сифатли ип-калава ишлаб чиқарилади. 2020 йилда рўёбга чиқариладиган навбатдаги босқичда тўқимачилик матоси тайёрлаш, 2021 йилда амалга ошириладиган учинчи босқичда бўяш ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош
Қўмондони Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга ташрифининг иккинчи
куни Шимоли-Ғарбий ҳарбий округга қарапшли Нукус гарнizonida
бўлди. Бу ерда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги
йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижроси билан танишди,
ҳарбийлар билан мuloқot қилди.
Миллий армиямиз жанговар қудратини ошириш, ҳарбий хизматчиларга
муносиб шароитлар яратиш доимий эътиборда. Кейинги йилларда бу
борадаги ислоҳотлар янги босқичда давом эттирилмоқда.
Хусусан, ҳарбий салоҳиятни ошириш мақсадида қўшинларни замонавий
ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа билан таъминлаш янги босқичга
кўтарилиди. Назарий билимларни амалиётда синовдан ўтказишга эътибор
кучайтирилди. Жорий йилнинг ўзида дала полигонларида жанговар
ҳолатларга яқин шароитда амалий машғулот ўтказиш сезиларли
даражада ошди. Бу ҳарбий хизматчиларнинг психологик ва руҳий
тайёргарлигини мустаҳкамлаш, миллий армиямиз салоҳиятини
юксалтиришда муҳим ахамият касб этмоқда.

Президентимиз ўқув корпусларида турли мутахассисликлар бўйича ўтказилаётган машғулотлар жараёнини кузатди. Ҳарбийларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиши учун барча шароитлар яратаяпмиз. Шунинг учун сизлар вақтингизни беҳуда ўтказмай, китоб ўқишингиз, чуқур билим олишингиз, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни пухта ўрганиб, ёшларга ўрнак бўлишингиз керак. Чунки ёшлар бизнинг таянчимиз, умидимиз, деди Қуроли Кучлар Олий Бош Кўмондони. Учрашувда ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, бунинг учун жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрининг “Кумбуз овул” маҳалла фуқаролар йигинида барпо этилган кўп қаватли уйлар ва уларнинг биринчи қаватида жойлашган нодавлат мактабгача таълим муассасаси ҳамда оиласвий поликлиника билан танишди.

Президентимиз Қоракалпоғистон Республикасига аввалги ташрифи чоғида Нукус шаҳрида ижтимоий объектлар, уй-жойлар қурилиши лойиҳалари билан танишиб, болалар боғчаси, оиласвий поликлиникани кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида жойлаштириш бўйича тавсиялар берган эди. Шаҳарнинг Абдамбетов кўчасида ана шундай лойиҳадаги 5 қаватли 10 та арzon уй қурилди. Ушбу уйлардан иккитасининг биринчи қаватида “Навше” нодавлат мактабгача таълим муассасаси ва оиласвий поликлиника ташкил этилди. Давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилган “Навше” нодавлат мактабгача таълим муассасаси 50 ўринга мўлжалланган. Муассаса болалар онгини ўстиришга кўмаклашувчи турли ўйинчоқлар, методик қўлланмалар билан таъминланган. Инглиз тили, рус тили, шахмат-шашка тўгараклари ташкил этилган.

Президентимиз мактабгача таълим муассасасидаги шароитларни кўздан кечирди. Боғчалар кўп қаватли уйнинг шундоқ ўзида жойлашгани одамларга фарзанди кўзи олдида, хотиржам бўлишини, бундан мақсад, аввало, аҳолига қулайлик яратиш эканини алоҳида таъкидлади.




ТАЛАБА-ЁШЛАРГА ВАФОДОРЛИК ФАЗИЛАТИ, САДОҚАТ, АҲДУ-ПАЙМОНИДА, СҮЗДА, ВАЪДАДА ҚАТЪИЙ ТУРИШ, ТИЛНИ ЁЛГОН, БЎҲТОН ВА ҒИЙБАТ СҮЗЛАРДАН ТИЙИШГА ЎРГАТИШ

- Дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган, ахборот оқимининг кундан-кунга тезлашиб, кўлами кенгайиб бораётган бугунги даврда бутун инсоният олдидаги энг долзарб, глобал муаммолар қаторида миллатларнинг жаҳон тамаддунида ўзини-ўзи саклаб қолиши масаласи кун тартибига чиқиб қолгани, ҳеч кимга сир эмас.
- Бугун оммавий маданият шаклларида ер юзида мавжуд барча миллатларнинг онгу-шуурига ҳуруж қилиб, уларни миллат сифатидаги хусусиятларини, ўзлигини йўқотишига олиб келаётган “янгича қадриятлар”, “ғарбона урфлар” ИНСОН деган барча маҳлукотлар ичидаги мукаррам зотнинг ўз рутбасидан пастга тушиши, тубанлашуви, ақл-идрокнинг ҳам қуввати етмайдиган, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган даҳшатли ишларга қўл ураётгани, айниқса, ҳаттоқи бу ҳолатнинг оддий, барча бирдай, шунчаки қабул қилиб қўйиши мумкин бўлган “меъёр”га айланиб бораётгани даҳшатнинг ўзгинасиdir.

Ижтимоий тармоқларда кишилар орасида “ғайри урф”га айланаётган турли жиноятлар, пичоқбозликлар, хунрезликлар, инсон жонига, молига қасд қилишлар, инсонни масхара қилиб, “ўзининг кундалик ташвишлари билан тинч кетиб бораётган қари кампирнинг бошига пакир кийдириб, уни уриб, хушидан кетказишга жазм қилаётган, ҳадди сиғаётган “авлод”, бу воқеани кулиб, яйраб, завланиб, хотиржамлик билан бир-бирига “улашаётган” авлоднинг бу қадар тубанлашувига нима сабаб бўлди? Албатта, бундай ҳати-ҳаракатларни вужудга келишида жуда кўплаб омилларнинг таъсири бор. Ахборот технологиялари, мафкуравий ҳуружлар, ижтимоий тармоқлар, таълим-тарбиянинг ўз вақтида берилмаслиги, ғарбга таклид, оммавий маданият ва ҳоказолар. Бироқ, муаммонинг туб илдизи илмсизлик, фикрсизлик, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чукур англай олмаслик, тафаккур қилмаслик, тўғри, оқилона ёндашувнинг йўқлигидир.



САИД АҲМАД “УФҚ” ТРИЛОГИЯСИ ҲАҚИДА




Ўзбек адабиётининг етук носирларидан бири Саид Аҳмад Ҳусанхўжаев 1920 йили Тошкентнинг Самарқанд дарбоза маҳалласида зиёли оиласида дунёга келди. Шу ерда ўрта мактабни (1939) битириб, Олий ўқув юртида (1940—1941) таълим олган. Адабиёт дарслари ва тўгаракларида ижодга бўлган ҳаваси ортиб, қўлга қалам ушлаган, вақтли матбуот унинг ижод дорилфунуни бўлган. Саид Аҳмад дастлаб «Муштум» ойномасида, Радио комитетида (1942—1943), «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси (1943—1947), «Шарқ юлдузи» ойномасида (1948—1950) ва сўнгги йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошидаги наср бўлимига бошчилик қиласи. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами «Тортик» 1940 йилда нашр этилади.

Адибнинг ҳикояларида Ойбекнинг психологик тасвир маҳорати, Ғафур Ғуломнинг юмори, Абдулла Қаҳҳорнинг баёндаги лаконизми мужассамдир. Сайд Аҳмаднинг барча ҳикоялари замонавий мавзуда ёзилган. У ҳикояларида тасвирлайдиган ҳар бир воқеадан фалсафий умумлашма чиқаришга, воқеаларни лирик таъсирчанлик билан ифодалашга интилди. «Чўл бургути», «Ўрик домла», «Лочин», «Одам ва бўри», «Бўстон», «Тўй боши» каби қатор асарлари Сайд Аҳмад ижодида ҳам, ўзбек насрода ҳам янгилик бўлди. Адиб ҳикояларининг бош қаҳрамони ички дунёси бой ва пок бўлган замондошларимиздир. Муаллиф «Тоғ афсонаси», «Зумрад», «Мұхаббатнинг туғилиши», «Кўзларингда ўт бор эди», «Пойқадам», «Алла», «Иқбол чироқлари» асарларида ҳаётий характерлар яратди. Сайд Аҳмад ҳажвий ҳикояларида тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган ярамас урф-одатлар устидан кулади, янгича маънавий-ахлоқий масалаларни ўртага қўяди. Аксинча, ўзбек психологиясига сингмайдиган, миллийликдан йироқ беватан, bemillat, янгича урф-одатлар, удумлар устидан ҳам қаҳқаҳа отиб кулади. Унинг «Ханка билан Танка» «Лампа шиша» каби ўнлаб ҳажвиялари шулар жумласидандир. Сайд Аҳмад кичик ҳажвий асарлари билан ўзбек радио ва телевидениесида қувноқ миниатюралар театрига асос солган.


«Уфқ» романида (1964) иккинчи жаҳон урушининг оловли йилларида ўзбек дехқонларининг фронт орқасида кўрсатган меҳнат қаҳрамонликлари атрофлича ҳикоя килинади. «Уфқ» трилогия бўлиб, ёзувчи унда урушдан олдинги, уруш даври ва ундан кейинги давр ҳаётий муаммолари ҳақида баҳс юритади. У ўзининг «Жимжитлик» (1988) романида эса турғунлик даври иллатларини фош этишга интилди. Сайд Аҳмад моҳир драматург сифатида ҳам танилди. Унинг «Келинлар қўзғолони», «Куёв» каби сахна асарлари шулар жумласидандир. Сайд Аҳмад ҳам қатағонлик зулмининг иккинчи тўлқинига дучор бўлган, лагер азобларини тортган ижодкордир. Ўз таланти ва она халқига садоқат, катта ишонч адабни сўз санъаткори даражасига етказган. Ижодкор таржима ишлари билан ҳам фаол шуғулланган. Жумладан, Б. Полевой, А. Мусатов, О. Гончар каби ёзувчилар асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Айни чоғда адабнинг кўпгина ҳикоялари қардош ва хорижий тилларга ўгирилган.

1964 йилда яратилган “Уфқ” романы ёзувчи ижодий йўлидаги иккинчи босқичнинг энг катта ютуғи бўлди. Бу роман трилогия бўлиб “Қирқ беш кун”, “Хижрон кунларида”, “Уфқ бўсағасида” номли қисмлардан иборат. Унда ижодкор қишлоқ кишиларининг уруш йилларида фронт орқасида кўрсатган меҳнат қаҳрамонликлари, ўзбек халқига хос бағри кенглик ва ориятлилик, фидойилик ва меҳнатсеварлик каби фазилатларни акс эттирган. Роман шунчалик муваффакиятли чикдики, бир пайтлар ёш ёзувчини қаттиқ танқид қилган Абдулла Қахҳор 1965 йили ўзининг “Илҳом ва маҳорат самараси” номли мақоласида асарни қўйидагicha ижобий баҳолади: “Сайд Аҳмад бундан кўп йиллар муқаддам қўлига танбурини олиб чертганида қўли келишганини кўриб, яхши созанда бўлиб, яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилган эдик. Шу орзу ушалиб келаётиби. “Уфқ” унинг илҳом ва маҳорат билан чалган машқидир”.



“Уфқ” романида ёзувчи халқимиз турмушининг уч муҳим саналари билан боғлиқ бўлган даврни қаламга олган. Ушбу даврларда яшаган халқимизнинг турмуш тарзи, орзу-ўйлари ва дардларини акс эттириш билан бир қаторда ўзбек халқига хос бўлган урф-одатлар ва ўзбек характеристини жонли бўёкларда гўзал тасвирланган.

Асарнинг биринчи романи “Қирқ беш кун”да Катта Фарғона каналининг қурилишидаги халқимиз матонати ва меҳнатсеварлиги орқали катта бир ишнинг амалга оширилганлиги ёритилган. Бунда бир муҳим жиҳат борки, Катта Фарғона канали қурилиши ортидаги халқимизнинг заҳматлари ўзбек адабиётида бошқа бирор асарда тасвирланмаган. Саид Аҳмад “Қирқ беш кун” романини ёзиш давомида мана шу канал қурилишида иштирок этганлар билан сұхбатлашган, моҳирлик билан деталлар йиға олган. Бу эса асарнинг бадиий қийматини оширишга хизмат килади.



Трилогиянинг иккинчи романи “Хижрон кунларида” эса Турсунбой ота юзини ерга қаратиб, урушдан қочган бўлса, дўсти Азизбек Ватан учун мардонавор жанг қилиб, қаҳрамон бўлди. Бу ўринда, қочоқ ва қаҳрамон ота-онасининг руҳий ҳолатини тушуниш қийин эмас. Асарда ўқувчининг меҳрини қозонадиган Низомжон образи мавжуд. Уруш туфайли соф севгисидан айрилган Низомжон образида ҳар қандай пасткашликка борадиган, халқ орасида Жиноят оқсоқол деб ном чиқарган отаси-Иноят оқсоқолнинг берган азобларига чидаган меҳрибон инсон тимсолини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, асарда халқимизнинг уруш ортидаги мاشаққатлари ҳам ёритиб берилган.

«Уфқ» трилогияси умр йўлларининг содик ҳамроҳига бағишлиланган асар



“Умр йўлларимнинг содик ҳамроҳи
Сайд Зуннунованинг порлоқ хотирасига
бағишлиман”

Сайд Аҳмад

«Уфқ» асари учта китобдан иборат бўлиб:
«Кирқ беш кун», «Хижрон кунлари», «Уфқ бўсағасида»
деб номланган

Трилогиянинг учинчи романи “Уфқ бўсағасида” эса халқимизнинг урушдан кейинги азоб-укубатлари бир авлоднинг мажруҳ қалби мисолида очиб берилган. Гарчи уруш ўз ниҳоясига етган бўлса-да, унинг совуқ нафаси, у олиб келган кулфатлар жамият ҳаётига ҳали ҳануз таъсир ўтказаётгани ҳар бир китобхонни ўйга толдиради. Асарда урушдан қайтиб келган Аъзамжон ва Дилдорнинг чигал оиласи муносабатлари билан бир қаторда Икромжон ҳамда Низомжон орасидаги тутинган ота-ўғил ришталари моҳирона чизгиларда ўз ифодасини топган.

Сайд Аҳмаднинг “Уфқ” трилогияси халқимизнинг яқин ўтмиши ҳақида ёзилган, аччиқ ҳақиқатлар тўла акс этган бебаҳо асардир. Ушбу асарни ёшлар орасида кенг татбиқ қилиш-бу ҳар бир ёшни тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги куннинг қадрига етиб яшашга йўл очиб беради.